

Олий ва Ўрта Махсус таълим вазирлиги

Гулистон Давлат университети

Табиатшунослик факултети

„Умумий экология География“ кафедраси

„География ўқитиш методикаси“ йўналиши

41 – 11 гуруҳ талабаси

Сайдимуродов Олимнинг

Ўзбекистон ижтимоий – иқтисодий географияси фанидан

**Қорақалпоғистон Республикасига иқтисодий – географик
тавсиф мавзусидаги**

Курс иши

Гулистон 2015

Мундарижа

Кириш	3 – 4
I.Боб Қорақалпоғистон Республикасининг иқтисодий географик ўрни ва табиий реурслари	5 – 6
1.1 Қорақалпоғистон Республикаси иқтисодий географик ўрни , мамурий худудий тузилиши	7 – 12
1.2 Қорақалпоғистон Республикаси табиий ресурслари	13 - 14
1.3 Қорақалпоғистон Республикаси иқлими	15 – 16
II . Боб Қорақалпоғистон Республикаси хўжалиги	17 – 18
2.1 Қорақалпоғистон Республикаси санаоти	17 – 18
2.2 Қорақалпоғистон Республикаси қишлоқ хўжалиги	19 – 27
Хулоса ва тавсиялар	28 – 29
Фойдаланилган адабиётлар	30

Кириш

Мавзуни долзарблиги: Қорақалпоғистон Республикаси Қизилқум чўлининг шимолий - ғарбий, Устюрт платосининг жанубий шарқий қисми ва Амударё делтасида жойлашган. 1925 йил 16 февралда ташкил топган. Ер майдони 166,59 минг кв км ни ташкил этади. Аҳоли сони 2014 йил 1 январ ҳолатига 1736,5 минг киши, зичлиги 1 кв км га 10,4 кишини ташкил этади. Хоразм, Навоий ва Бухоро вилоятлари билан чегарадош. Республикада 1 та шаҳар ва 14 туман мавжуд. 2013 йил январ-декабр ойида Аҳолининг табиий ўсиш 30966 кишига тенг бўлди. Шу даврда 39100 бола тўғилиб, 2012 йил январ-декабр ойига нисбатан 893 болага кўпайди. Республикада 2014 йил 1 январ ҳолатига 25323 та корхона рўйхатдан ўтган бўлиб, шундан 16966 таси фаолият кўрсатмоқда. Фаолият кўрсатаётган 16966 та корхонадан 13987 таси кичик бизнес субъектига қарашлидир.

Президентимиз Ислом Каримов таъкидлаганидек, «Қорақалпоғистон Республикасининг иқтисодий имкониятлари бекиёс эканини ҳаммамиз яхши биламиз. Бугунги кунда бу эрда чорвачилик маҳсулотлари, пахтачилик, шоли ва буғдой этиштириш маданияти юксалиб, янги босқичларга кўтарилмоқда, саноат тобора раванқ топмоқда».

Пахтани қайта ишлаш, енгил ва озиқ-овқат, қурилиш материаллари саноати, металлни қайта ишлаш, энергетика тармоқлари – республика саноатининг асосини ташкил этади. Қайд этиш лозимки, бугунги кунда республикада саноатнинг янги тармоқларини ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Ушбу жараён мавзуни долзарблигини белгилайди .

Курс ишининг мақсад ва вазифалари :

Мақсади – Қорақалпоғистон республикасига иқтисодий географик тавсиф бериш ва илмий асосда ёритиш:

Вазифалари:

- 1.Қорақалпоғистон Республикасининг иқтисодий географик ўрни ва табиий реурслари.
- 2.Қорақалпоғистон Республикаси иқтисодий географик ўрни, мамурий ҳудудий тузилиши
- 3.Қорақалпоғистон Республикаси табиий ресурслари
- 4.Қорақалпоғистон Республикаси иқлими
- 5.Қорақалпоғистон Республикаси хўжалиги
- 6.Қорақалпоғистон Республикаси санаоти
- 7.Қорақалпоғистон Республикаси қишлоқ хўжалиги

Ишининг объекти: Қорақалпоғистон Республикасининг иқтисодий – географик тавсифи

Ишининг предмети: Қорақалпоғистон Республикаси иқтисодиёт географик тавсифи, хўжалигини иқтисодий ва географик жойлашувини ўрганиш .

Курс ишининг амалий аҳамияти: Республика иқтисодиётининг асосини электроенергетика, енгил, озиқ – овқат, қишлоқ хўжалиги ва қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини қайта ишлаш ташкил қилади . Ҳозирги кунда Республика ҳудудида янги саноат корхоналари, янги табиий ресурс конлари топилаётган ва фойдаланишга топшириляпти. Шунингдек ушбу курс иши маълумотларини Қорақалпоғистон Республикаси саноат тармоқларини жойлашуви қонуниятларини ўрганишдан иборат .

Курс ишининг тузилиши ва ҳажми : 30 бетдан иборат, кириш, 2 боб, хулоса ва тавсиялар фойдаланилган адабиётлар рўйхатларидан ташкил топган.

I. Қорақалпоғистон Республикасининг иқтисодий географик ўрни ва табиий ресурслари .

Қорақалпоғистон Республикаси Қизилқум чўлининг шимолий-ғарбий, Устюрт платосининг жанубий шарқий қисми ва Амударё дельтасида жойлашган. 1925 йил 16 февралда ташкил топган. Ер майдони 166,59 минг кв км ни ташкил этади. Аҳоли сони 2014 йил 1 январ ҳолатига 1736,5 минг киши, зичлиги 1 кв км га 10,4 кишини ташкил этади. Хоразм, Навоий ва Бухоро вилоятлари билан чегарадош. Республикада 1 та шаҳар ва 14 туман мавжуд. 2013 йил январ-декабр ойида Аҳолининг табиий ўсиш 30966 кишига тенг бўлди. Шу даврда 39100 бола туғилиб, 2012 йил январ-декабр ойига нисбатан 893 болага кўпайди.

Республикада 2014 йил 1 январ ҳолатига 25323 та корхона рўйхатдан ўтган бўлиб, шундан 16966 таси фаолият кўрсатмоқда. Фаолият кўрсатаётган 16966 та корхонадан 13987 таси кичик бизнес субъектига қарашлидир. Республикада 24 та йирик саноат корхоналари, 45 та қўшма корхоналар фаолият кўрсатмоқда.

Қорақалпоғистонда қорақалпоқлар билан бирга ўзбек, рус, қozoқ, туркман, татар, корейс, украин, озарбайжон каби кўплаб миллат вакиллари бир оиладек истиқомат қилишади. Уларнинг барчасини Ватанга садоқат, азиз тупроққа муҳаббат, эзгу қадриятларимизга ҳурмат, биргаликда ёрқин келажакни барпо қилишга бўлган иштиёқ ва ишонч бирлаштириб туради.

Қорақалпоқ замини эр ости ва эр усти бойликлари, сув, углеводород, минерал ресурслари ва бошқа турли табиий қазилма бойликларнинг катта манбаларига эга экани билан мамлакатимиз иқтисодиётида алоҳида ўрин эгаллайди. Бу заминда, хусусан, Устюртнинг бепоён кенгликларида қатор нефт ва газ конлари аниқланган. Шунингдек, республика ҳудудида олтин, темир, фосфор, молибден, гранит, мармар, рангли қум, оҳак ва бошқа қазилма бойликлар захиралари ҳам мавжуд.

Қорақалпоғистон Ўзбекистон Республикасининг энг шимолий ҳудуди бўлиб, унинг табиати, иқлими ниҳоятда мураккаб. Об-ҳаво кескин ўзгарувчан, жазирама ёз ва аёзли қиш, кучли шамол кўпгина муаммолар туғдиради. Бу асосан Орол денгизи ҳалокати билан боғлиқ. Шундай мураккаб шароитда деҳқончилик қилиш деҳқондан нафақат маҳорат ва миришкорликни, айтилиш вақтида мустаҳкам ирода, жасорат ва матонатни ҳам талаб қилади. Республикада қишлоқ хўжалиги асосан пахтачилик, ғаллачилик, қорақўлчилик, пиллачикка ихтисослашган. Қорақалпоғистоннинг ери шолити етиштириш учун жуда қулай, бу ўз навбатида республиканинг ва бутун Ўзбекистон Республикасининг сифатли гуручга бўлган эҳтиёжини қондиришга хизмат қилмоқда. Қизилқумнинг кенг яйловларида қорақўлчилик ва туячилик, Орол денгизи ўрнида ҳосил бўлган қўллар бўйида балиқчилик, бўрдоқчилик ва йилқичилик ривожланган.

Қорақалпоғистонда кўплаб илмий муассасалар, жумладан, Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясининг Қорақалпоғистон бўлимига қарашли 6 та илмий-тадқиқот институтлари фаолият кўрсатмоқда. Булар – Ўзбекистон Фанлар академияси Қорақалпоғистон бўлимининг Табиий фанлар комплексли институти, Биекология институти, Оролбўйи ижтимоий-иқтисодий муаммолари институти, Н.Давқораев номидаги тил ва адабиёт институти, Тарих, археология ва этнография институти, шунингдек, Ботаника боғидир. Бу институтларда минтақа миқёсидаги илмий-тадқиқот ишлари олиб борилмоқда.

1.1 Қорақалпоғистон Республикаси иқтисодий географик ўрни , мамурий ҳудудий тузилиши

Қорақалпоғистон Республикаси Ўзбекистоннинг шимоли – ғарбида жойлашган . Мамлакатнинг ривожланган минтақаларидан анча олисда бўлган иқтисодий географик раён ҳудудидан темирўл ўтгач , унинг иқтисодий географик ўрни анча яхшиланди. Амударё ва Орол денгизи кемалар қатнови , Чоржўй – Қўмғирот темир йўлининг қурилиши автомобил ва ҳаво транспортининг йўлга қўйилиши , республика ишлаб чиқарувчи кучларининг узлуксиз юксалишига замин ҳозирлайди .

Нукус шаҳри ҳақида. Нукус шаҳри Қорақалпоғистон Республикасининг пойтахти бўлиб, 1932 йил ташкил топган. Ер майдони 0,22 минг кв км ни ташкил этади ва республика ҳудудининг 0,13 фоизини эгаллайди. Аҳоли сони 2014 йил 1 январ ҳолатига 295,2 минг киши, зичлиги 1 кв км га 1341,8 кишини ташкил этади. Нукус, Хужайли, Кегейли туманлари билан чегарадош. Шаҳарда 58 та маҳалла мавжуд. 2013 йил январ-декабр ойда аҳолининг табиий ўсиш 4753 кишига тенг бўлди. Шу даврда 6094 бола туғилиб, 2012 йил январ-декабр ойига нисбатан 268 болага кўпайди. Шаҳарда 2014 йил 1 январ ҳолатига 4312 та корхона рўйхатдан ўтган бўлиб, шундан 3363 таси фаолият кўрсатмоқда. Фаолият кўрсатаётган 3363 та корхонадан 2721 таси кичик бизнес субъектига қарашлидир. Шаҳарда 7 та йирик саноат корхоналари, 11 та қўшма корхоналар фаолият кўрсатмоқда.

Амударё тумани ҳақида. Амударё тумани Қорақалпоғистон Республикасининг жанубий шарқида жойлашган бўлиб, 1957 йил 18 февралда ташкил топган. Ер майдони 1,02 минг кв км ни ташкил этади ва республика ҳудудининг 0,61 фоизини эгаллайди. Аҳоли сони 2014 йил 1 январ ҳолатига 179,1 минг киши, зичлиги 1 кв км га 175,6 кишини ташкил этади. Хўжайли, Қораўзак ва Беруний туманлари билан чегарадош. Туманда 30 та маҳалла фуқоралар йиғини, 16 та қишлоқ фуқоралар йиғини ва 119 та қишлоқ аҳоли пунктлари мавжуд. 2013 йил январ-декабр ойда Аҳолининг табиий ўсиш 3018 кишига тенг бўлди. Шу даврда 3894 бола туғилиб, 2012 йил январ-декабр ойига нисбатан 45 болага камайган. Туманда 2014 йил 1 январ ҳолатига 2162 та корхона рўйхатдан ўтган бўлиб, шундан 1822 таси фаолият кўрсатмоқда. Фаолият кўрсатаётган 1822 та корхонадан 1547 таси кичик бизнес субъектига қарашлидир. Туманда 2 та йирик саноат корхоналари, 5 та қўшма корхоналар фаолият кўрсатмоқда.

Беруний тумани ҳақида. Беруний тумани Қорақалпоғистон Республикасининг жанубий шарқида жойлашган бўлиб, 1927 йил 03 июлда ташкил топган. Ер майдони 3,95 минг кв км ни ташкил этади ва республика

худудининг 2,37 фоизини эгаллайди. Аҳоли сони 2014 йил 1 январ ҳолатига 170,3 минг киши, зичлиги 1 кв км га 43,1 кишини ташкил этади. Амударё, Қораўзак, Тахтақўпир, элликқалъа ва Тўрткўл туманлари билан чегарадош. Туманда 23 та маҳалла фуқоралар йиғини, 13 та қишлоқ фуқоралар йиғини ва 67 та қишлоқ аҳоли пунктлари мавжуд. 2013 йил январ-декабр ойида Аҳолининг табиий ўсиш 3307 кишига тенг бўлди. Шу даврда 4152 бола туғилиб, 2012 йил январ-декабр ойига нисбатан 33 болага кўпайди. Туманда 2014 йил 1 январ ҳолатига 2533 та корхона рўйхатдан ўтган бўлиб, шундан 1325 таси фаолият кўрсатмоқда. Фаолият кўрсатаётган 1325 та корхонадан 1107 таси кичик бизнес субъектига қарашлидир. Туманда 2 та йирик саноат корхоналари, 3 та қўшма корхоналар фаолият кўрсатмоқда.

Қонликўл тумани ҳақида . Қонликўл тумани Қорақалпоғистон Республикасининг шимолий ғарбида жойлашган бўлиб, 1970 йил 7 декабрда ташкил топган. Ер майдони 0,74 минг кв км ни ташкил этади ва республика худудининг 0,44 фоизини эгаллайди. Аҳоли сони 2014 йил 1 январ ҳолатига 46,9 минг киши, зичлиги 1 кв км га 63,4 кишини ташкил этади. Хўжайли, Шўманой, Қўнғирот, Кегейли ва Нукус туманлари билан чегарадош. Туманда 3 та маҳалла фуқоралар йиғини, 7 та қишлоқ фуқоралар йиғини ва 38 та қишлоқ аҳоли пунктлари мавжуд. 2013 йил январ-декабр ойида Аҳолининг табиий ўсиш 852 кишига тенг бўлди. Шу даврда 1062 бола туғилиб, 2012 йил январ-декабр ойига нисбатан 94 болага кўпайди. Туманда 2014 йил 1 январ ҳолатига 1240 та корхона рўйхатдан ўтган бўлиб, шундан 792 таси фаолият кўрсатмоқда. Фаолият кўрсатаётган 792 та корхонадан 691 таси кичик бизнес субъектига қарашлидир. Туманда 2 та қўшма корхоналар фаолият кўрсатмоқда.

Қораўзак тумани ҳақида .Қораўзак тумани Қорақалпоғистон Республикасининг шимолий шарқида жойлашган бўлиб, 1975 йил 26 сентябрда ташкил топган. Ер майдони 5,89 минг кв км ни ташкил этади ва республика худудининг 3,54 фоизини эгаллайди. Аҳоли сони 2014 йил 1

январ ҳолатига 49,6 минг киши, зичлиги 1 кв км га 8,4 кишини ташкил этади. Кегейли, Чимбой, Тахтакўпир, Мўйнок, Беруний, Амударё ва Хўжайли туманлари билан чегарадош. Туманда 4 та маҳалла фуқоралар йиғини, 8 та қишлоқ фуқоралар йиғини ва 105 та қишлоқ аҳоли пунктлари мавжуд. 2013 йил январ-декабр ойида Аҳолининг табиий ўсиш 816 кишига тенг бўлди. Шу даврда 1038 бола тўғилиб, 2012 йил январ-декабр ойига нисбатан -104 болага камайган. Туманда 2014 йил 1 январ ҳолатига 1078 та корхона рўйхатдан ўтган бўлиб, шундан 653 таси фаолият кўрсатмоқда. Фаолият кўрсатаётган 653 та корхонадан 542 таси кичик бизнес субъектига қарашлидир.

Кегейли тумани ҳақида . Кегейли тумани 1928 йил 03 сентябрда ташкил топган. Эр майдони 2,21 минг кв км ни ташкил этади ва республика ҳудудининг 1,33 фоизини эгаллайди. Аҳоли сони 2014 йил 1 январ ҳолатига 84,8 минг киши, зичлиги 1 кв км га 38,4 кишини ташкил этади. Туманда 8 та маҳалла фуқоралар йиғини, 9 та қишлоқ фуқоралар йиғини ва 151 та қишлоқ аҳоли пунктлари мавжуд. 2013 йил январ-декабр ойида Аҳолининг табиий ўсиш 1539 кишига тенг бўлди. Шу даврда 1990 бола тўғилиб, 2012 йил январ-декабр ойига нисбатан 56 болага кўпайди. Туманда 2014 йил 1 январ ҳолатига 1191 та корхона рўйхатдан ўтган бўлиб, шундан 893 таси фаолият кўрсатмоқда. Фаолият кўрсатаётган 893 та корхонадан 757 таси кичик бизнес субъектига қарашлидир. Туманда 1 та йирик саноат корхонаси, 2 та қўшма корхоналар фаолият кўрсатмоқда.

Қўнғирот тумани ҳақида .Қўнғирот тумани Қорақалпоғистон Республикасининг шимолий ғарбида жойлашган бўлиб, 1964 йил 22 февралда ташкил топган. Эр майдони 76,0 минг кв км ни ташкил этади ва республика ҳудудининг 45,62 фоизини эгаллайди. Аҳоли сони 2014 йил 1 январ ҳолатига 120,1 минг киши, зичлиги 1 кв км га 1,6 кишини ташкил этади. Туманда 21 та маҳалла фуқоралар йиғини, 12 та қишлоқ фуқоралар йиғини ва 42 та қишлоқ аҳоли пунктлари мавжуд. 2013 йил январ-декабр ойида аҳолининг табиий ўсиш 2149 кишига тенг бўлди. Шу даврда 2735 бола

тўғилиб, 2012 йил январ-декабр ойига нисбатан 9 болага камайган. Туманда 2014 йил 1 январ ҳолатига 1479 та корхона рўйхатдан ўтган бўлиб, шундан 1031 таси фаолият кўрсатмоқда. Фаолият кўрсатаётган 1031 та корхонадан 837 таси кичик бизнес субъектига қарашлидир. Туманда 1 та йирик саноат корхонаси, 5 та қўшма корхоналар фаолият кўрсатмоқда.

Мўйноқ тумани ҳақида. Мўйноқ тумани Қорақалпоғистон Республикасининг шимолисида жойлашган бўлиб, 1931 йил 19 сентябрда ташкил топган. Эр майдони 37,88 минг кв км ни ташкил этади ва республика ҳудудининг 22,74 фоизини эгаллайди. Аҳоли сони 2014 йил 1 январ ҳолатига 29,4 минг киши, зичлиги 1 кв км га 0,8 кишини ташкил этади. Туманда 5 та маҳалла фуқоралар йиғини, 6 та қишлоқ фуқоралар йиғини ва 21 та қишлоқ аҳоли пунктлари мавжуд. 2013 йил январ-декабр ойида Аҳолининг табиий ўсиш 469 кишига тенг бўлди. Шу даврда 608 бола тўғилиб, 2012 йил январ-декабр ойига нисбатан 21 болага кўпайди. Туманда 2014 йил 1 январ ҳолатига 279 та корхона рўйхатдан ўтган бўлиб, шундан 244 таси фаолият кўрсатмоқда. Фаолият кўрсатаётган 244 та корхонадан 173 таси кичик бизнес субъектига қарашлидир. Туманда 1 та йирик саноат корхонаси, 2 та қўшма корхоналар фаолият кўрсатмоқда.

Нукус тумани ҳақида. Нукус тумани 1968 йил 25 декабрда ташкил топган. Эр майдони 0,95 минг кв км ни ташкил этади ва республика ҳудудининг 0,57 фоизини эгаллайди. Аҳоли сони 2014 йил 1 январ ҳолатига 44,4 минг киши, зичлиги 1 кв км га 46,7 кишини ташкил этади. Туманда 2 та маҳалла фуқоралар йиғини, 6 та қишлоқ фуқоралар йиғини ва 39 та қишлоқ аҳоли пунктлари мавжуд. 2013 йил январ-декабр ойида Аҳолининг табиий ўсиш 905 кишига тенг бўлди. Шу даврда 1134 бола тўғилиб, 2012 йил январ-декабр ойига нисбатан 111 болага кўпайди. Туманда 2014 йил 1 январ ҳолатига 1518 та корхона рўйхатдан ўтган бўлиб, шундан 701 таси фаолият кўрсатмоқда. Фаолият кўрсатаётган 701 та корхонадан 588 таси кичик бизнес субъектига қарашлидир. Туманда 3 та қўшма корхоналар фаолият кўрсатмоқда.

Тахтакўпир тумани ҳақида. Тахтакўпир тумани Қорақалпоғистон Республикасининг шимолий шарқида жойлашган бўлиб, 1965 йил 10 февралда ташкил топган. Эр майдони 21,12 минг кв км ни ташкил этади ва республика ҳудудининг 12,68 фоизини эгаллайди. Аҳоли сони 2014 йил 1 январ ҳолатига 38,7 минг киши, зичлиги 1 кв км га 1,8 кишини ташкил этади. Элликқалъа, Беруний, Қораўзак ва Мўйноқ туманлари билан чегарадош. Туманда 8 та маҳалла фуқоралар йиғини, 8 та қишлоқ фуқоралар йиғини ва 41 та қишлоқ аҳоли пунктлари мавжуд. 2013 йил январ-декабр ойида Аҳолининг табиий ўсиш 720 кишига тенг бўлди. Шу даврда 911 бола тўғилиб, 2012 йил январ-декабр ойига нисбатан -24 болага камайган. Туманда 2014 йил 1 январ ҳолатига 735 та корхона рўйхатдан ўтган бўлиб, шундан 415 таси фаолият кўрсатмоқда. Фаолият кўрсатаётган 415 та корхонадан 306 таси кичик бизнес субъектига қарашлидир.

Тўрткўл тумани ҳақида. Тўрткўл тумани Қорақалпоғистон Республикасининг жанубий шарқида жойлашган бўлиб, 1927 йил 13 июлда ташкил топган. Эр майдони 7,48 минг кв км ни ташкил этади ва республика ҳудудининг 4,49 фоизини эгаллайди. Аҳоли сони 2014 йил 1 январ ҳолатига 192,6 минг киши, зичлиги 1 кв км га 25,7 кишини ташкил этади. Беруний ва элликқалъа туманлари билан чегарадош. Туманда 20 та маҳалла фуқоралар йиғини, 15 та қишлоқ фуқоралар йиғини ва 86 та қишлоқ аҳоли пунктлари мавжуд. 2013 йил январ-декабр ойида Аҳолининг табиий ўсиш 3662 кишига тенг бўлди. Шу даврда 4481 бола тўғилиб, 2012 йил январ-декабр ойига нисбатан 225 болага кўпайди. Туманда 2014 йил 1 январ ҳолатига 2592 та корхона рўйхатдан ўтган бўлиб, шундан 1613 таси фаолият кўрсатмоқда. Фаолият кўрсатаётган 1613 та корхонадан 1410 таси кичик бизнес субъектига қарашлидир. Туманда 3 та йирик саноат корхоналари, 2 та қўшма корхоналар фаолият кўрсатмоқда .

Хўжайли тумани ҳақида .Хўжайли тумани Қорақалпоғистон Республикасининг жанубий ғарбида жойлашган бўлиб, 1927 йил 03 июлда

ташкил топган. Ер майдони 0,73 минг кв км ни ташкил этади ва республика ҳудудининг 0,44 фоизини эгаллайди. Аҳоли сони 2014 йил 1 январ ҳолатига 183,5 минг киши, зичлиги 1 кв км га 251,4 кишини ташкил этади. Амударё, Қораўзак, Шўманой туманлари ва Нукус шаҳри билан чегарадош. Туманда 28 та маҳалла фуқоралар йиғини, 10 та қишлоқ фуқоралар йиғини ва 94 та қишлоқ аҳоли пунктлари мавжуд. 2013 йил январ-декабр ойида Аҳолининг табиий ўсиш 3103 кишига тенг бўлди. Шу даврда 4017 бола тўғилиб, 2012 йил январ-декабр ойига нисбатан 49 болага кўпайди. Туманда 2014 йил 1 январ ҳолатига 1773 та корхона рўйхатдан ўтган бўлиб, шундан 1328 таси фаолият кўрсатмоқда. Фаолият кўрсатаётган 1328 та корхонадан 1025 таси кичик бизнес субъектига қарашлидир. Туманда 5 та йирик саноат корхоналари, 5 та қўшма корхоналар фаолият кўрсатмоқда.

Чимбой тумани ҳақида

Чимбой тумани Қорақалпоғистон Республикасининг шимолисида жойлашган бўлиб, 1927 йил 03 июлда ташкил топган. Ер майдони 2,20 минг кв км ни ташкил этади ва республика ҳудудининг 1,32 фоизини эгаллайди. Аҳоли сони 2014 йил 1 январ ҳолатига 108,3 минг киши, зичлиги 1 кв км га 49,2 кишини ташкил этади. Кегейли, Мўйноқ ва Қораўзак, туманлари билан чегарадош. Туманда 11 та маҳалла фуқоралар йиғини, 11 та қишлоқ фуқоралар йиғини ва 33 та қишлоқ аҳоли пунктлари мавжуд. 2013 йил январ-декабр ойида Аҳолининг табиий ўсиш 1955 кишига тенг бўлди. Шу даврда 2496 бола тўғилиб, 2012 йил январ-декабр ойига нисбатан -39 болага камайган. Туманда 2014 йил 1 январ ҳолатига 1573 та корхона рўйхатдан ўтган бўлиб, шундан 1040 таси фаолият кўрсатмоқда. Фаолият кўрсатаётган 1040 та корхонадан 866 таси кичик бизнес субъектига қарашлидир. Туманда 2 та йирик саноат корхоналари, 3 та қўшма корхоналар фаолият кўрсатмоқда.

Шўманой тумани ҳақида

Шуманой тумани Қорақалпоғистон Республикасининг ғарбида жойлашган бўлиб, 1967 йил 9 январда ташкил топган. Ер майдони 0,78 минг кв км ни

ташкил этади ва республика ҳудудининг 0,47 фоизини эгаллайди. Аҳоли сони 2014 йил 1 январ ҳолатига 53,1 минг киши, зичлиги 1 кв км га 68,1 кишини ташкил этади. Хўжайли, Қанликўл ва Қўнғирот туманлари билан чегарадош. Туманда 5 та маҳалла фуқоралар йиғини, 7 та қишлоқ фуқоралар йиғини ва 108 та қишлоқ аҳоли пунктлари мавжуд. 2013 йил январ-декабр ойида Аҳолининг табиий ўсиш 829 кишига тенг бўлди. Шу даврда 1035 бола тўғилиб, 2012 йил январ-декабр ойига нисбатан 17 болага кўпайди. Туманда 2014 йил 1 январ ҳолатига 780 та корхона рўйхатдан ўтган бўлиб, шундан 494 таси фаолият кўрсатмоқда. Фаолият кўрсатаётган 494 та корхонадан 391 таси кичик бизнес субъектига қарашлидир. Туманда 1 та қўшма корхона фаолият кўрсатмоқда.

Елликқабла тумани ҳақида элликқабла тумани Қорақалпоғистон

Республикасининг жанубий шарқида жойлашган бўлиб, 1977 йил 23 мартда ташкил топган. Ер майдони 5,42 минг кв км ни ташкил этади ва республика ҳудудининг 3,25 фоизини эгаллайди. Аҳоли сони 2014 йил 1 январ ҳолатига 140,5 минг киши, зичлиги 1 кв км га 25,9 кишини ташкил этади. Беруний, Тўрткўл ва Тахтакўпир туманлари билан чегарадош. Туманда 16 та маҳалла фуқоралар йиғини, 13 та қишлоқ фуқоралар йиғини ва 84 та қишлоқ аҳоли пунктлари мавжуд. 2013 йил январ-декабр ойида Аҳолининг табиий ўсиш 2889 кишига тенг бўлди. Шу даврда 3453 бола тўғилиб, 2012 йил январ-декабр ойига нисбатан 240 болага кўпайди. Туманда 2014 йил 1 январ ҳолатига 2081 та корхона рўйхатдан ўтган бўлиб, шундан 1252 таси фаолият кўрсатмоқда. Фаолият кўрсатаётган 1252 та корхонадан 1026 таси кичик бизнес субъектига қарашлидир. Туманда 1 та йирик саноат корхонаси, 1 та қўшма корхона фаолият кўрсатмоқда.

1.2 Қорақалпоғистон Республикаси табиий ресурслари

Қорақалпоғистон ҳудудида бундан ко`п йиллар олдин саноат аҳамиятига эга бо`лган темир рудаси, рангли металллар, фосфорит, ош тузи, мерабилит, ко`нг`ир ко`мир заҳиралари аниқланган. Кейинги йилларда О`збекистон

Фанлар Академиясининг геология институти ҳам Қорақалпоғ`истон бо`лими геология сектори олимлари иштирокида (Ж.Саманов, А.Палибеков, К.Қо`рбониезов в.б.) табиий газ, ко`п қатор фосфорит конлари, қурилиш материаллари, айниқса мрамор, оҳактош, коалин лойининг заҳиралари топилди. Шундай қилиб, бугунги ко`нга келиб, о`лкамизда саноат учун зарур бо`лган минерал ҳам ашё ресурсларининг заҳиралари ма`лум бо`ла бошлади. Буларни халқ хо`жалигидаги аҳамияти ва фойдаланиши бо`йича қуйидаги гуруҳларга ажратиш мумкин: 1) Ёқилг`и-энергетика ҳам ашё ресурслари; 2) Metallургия ҳам ашё ресурслари; 3) Кимёвий хомашё ресурслари; 4) Қурилиш материаллари ресурслари; 5) Озиқ-овқат учун фойдаланадиган минерал ресурслар. Юқорида ко`рсатилган ёқилг`и энергетика ресурсларидан табиий газ ва нефтни алоҳида айтиб о`тиш зарур. Табиий газ Қорақалпоғ`истоннинг Устюрт бо`лимидаги Шохпахти, Қуаниш конларидан топилди. Мутахассисларнинг та`кидлашларича, бунда газнинг умумий заҳираси 195 млрд куб метрга тенг. Шундан Шохпахти газ конининг заҳираси 46,5 млрд м ташкил қилиб, со`нгги йилларда Республика газ қувурига туташтирилган эди. Қо`нг`ир ко`мир заҳиралари қуйи ва о`рта юра ётқизикларида учрайди, булар Тугаркир, Ко`лонлида 150-1500 метр чуқурликда жойлашган ва аҳамиятли бойликлардан бири ҳисобланади Нефт` заҳираси Борсакелмас раёнсидан топилди (1-карта - схема, 55абетда). Юқорида зикр этилган минерал ҳам ашёлардан саноатда фойдаланиш биринчи навбатда Қорақалпоғ`истоннинг ёқилг`и-энергетика базасини ташкил қилиш ҳамда газ, нефт кимё саноати ривожига кенг ё`л очиши шубҳасиз. Мустаҳкам ёқилг`и-энергетика базасини яратиш ҳозирги халқ хо`жалиги тармоқ-ларининг энергияга талабини та`минлаш ва саноат мажмуаларини ташкил қилиш ҳамда фойдаланиладиган минерал ҳам ашё ресурслари таркибидаги бошқа жинсларини ажратиш имконини туг`диради. Қорақалпоғ`истонда metallургия ҳам ашё ресурсларидан темир рудаси, мис, рух, никел, қалайи ва бошқа бойликлар мавжуд. Геологик тадқиқотлар натижасида Султон Увайс тоғ`идан темир рудаси (заҳираси 15 млрд т.) мис,

қо`рг`ошин, рух ва бошқа бойликлар қонлари топилди. Бу эрдан топилган никел` автомобил`, трактор, машина саноати учун зарур усқуналар тайёрлашга, тиббий асбоблар, аккумулятор учун электрод тайёрлаш ва танга пулларга нақш бериш учун фойдаланилиш мумкин. Кимёвий ва озиқ-овқат ресурслардан фосфорит, мирабилит, ош тузи ва шифобахш эр ости сувлари мавжуд. Фосфорит захиралари Устюрт, Бештепа, Хо`жақо`лда мавжуд. Мирабилит захираси Қушқонатовда мавжуд бо`либ, миқдори 1,1 млрд. т га тенг. Қог`оз, то`қимачилик саноати, шиша ишлаш ва форматсевтика учун фойдаланса бо`лади. Ош тузининг захиралари Уразимбетқум, Борсакелмас, Октуба, Сарико`л раёнларида жойлашган. Шундан фақат Борсакелмас қонидаги ош тузининг захираси 17 млрд т.дан ортиқ. Қорақалпоғ`истон ҳудудида халқ хо`жалигида фойдаланишга яроқли эр ости сувларининг захиралари мавжуд. Гидрогеологик экспедитсия ма`лумоти бо`йича бу сувлардан шифохоналарда ва минерал сув сифатида фойдаланиш мумкин. Қурилиш саноати учун яроқли асбест, дала шпати, тал`к, мрамар, оҳак, гранит ва бошқа захиралар ко`п учрайди. Шундан тал`книнг захираси 820 млн. м3 га тенг бо`либ, ундан қог`оз, кабел`, резина ишлаб чиқаришда, безашучун плиталар ясашда ва юқори сифатли изоляторлар ишлаб чиқаришда фойдаланиш мумкин. Гранит эса кесиш, ё`ниш дастгоҳларини тайёрлашда қо`л келади. Ҳозир о`лкамизда қурилиш материалларидан мрамар кенг тарқалган. Султон Увайс тоғ`и мрамар захираси асосида Нукус мрамар-гранит заводи ишга тушган. Шундай қилиб, Қорақалпоғ`истоннинг минерал хом ашё ресурсларини таҳлил қилиш натижасида о`лкамизда минерал бойликларнинг потентсиал захиралари мавжудлигининг гувоҳи бо`ламиз. Бу йирик ҳажмли ресурслардан фойдаланиш Қорақалпоғ`истонда йирик саноат мажмуаларини ташкил қилиш имконини беради, бу эса о`з навбатида о`лкамизнинг аграр статусини о`згартирибгина қолмасдан, халқимизнинг миллий иқтисодиётининг о`сишига гаров бо`лиши шубҳасиз

1.3 Қорақалпоғистон Республикаси иқлими
Қорақалпоғ`истоннинг иқлими кескин континенталиги ва ҳаддан ташқари

курғ`окчилиги билан ажралиб туради. Иқлим шароитининг бундай бо`лишига унинг материк ичкарасида жойлашганлиги, океан ва денгизлардан узоқда бо`лиши ва Арктикадан келадиган совуқ ҳаво оқимиға қарши то`сқинлик ё`қлиги сабаб бо`лган. Қорақалпоғ`истон Республикасининг иқлими континентал эканлиги метеорологик элементларнинг суткалик ва йиллик ҳисобидаги кескин о`згаришлардан ҳам сезилади. Масалан, Қорақалпоғ`истон ҳудудида йил бо`йи кузатиладиган ҳавонинг энг юқори ва энг паст ҳарорат даражаларини бир-бирига таққослаганда уларда катта тафовут борлиги ко`ринади. У Нукусда 780, Тахиатошда 790, Ёшлиқда 810, Қорақалпоғ`истон ва Шабанқозг`онда 840 га тенг. Ёз ойларида сутка давомидаги энг паст ҳарорат ко`пинча эрталаб соат 40-50 га, жуда юқори ҳарорат эса 140-160 оралиг`ига то`г`ри келади. Қиш ойларида суткадаги ҳавонинг энг паст ҳарорати эрталаб соат 60-70 ларда кузатилса, энг юқори ҳарорат 140-150 ларга то`г`ри келади. Июл` ойидаги энг юқори ҳарорат +32,80 С бо`лса, январдаги энг паст ҳарорат -110-160 С га тенг. Республиканинг табиий-иқтисодий минтақалари бо`йича ёз ва қиш ойларининг о`ртача ҳарорати о`ртасида катта тафовутлар мавжуд. Масалан, июлнинг о`ртача ҳарорати жанубдаги суг`ориладиган минтақада +33,10-+35,20С бо`лса Қизилқумда +38,20 -41,60С гача боради. Январ` ойида энг паст ҳарорат Оролнинг жанубий қисмида -280С бо`лса, Устюрт ва Қизилқумда -360С гача пасаяди. Ба`зи йилларда июлдаги мутлақ максимум ҳарорат суг`ориладиган раёнда +420-+460С, Қизилқумда эса +470-+490С гача ко`тарилади. Шимолий туманларда пахтанинг тезпишар навларини ҳудудийлаштириш орқали термик ресурслардан самарали фойдаланиш мумкин, жанубий туманларда эса вегетатсия давридаги ҳарорат йиг`индиси иссиқни талаб қиладиган қишлоқ хо`жалиги экинларининг о`сиши учун этарли миқдорда мавжуд. Қорақалпоғ`истон юртимизнинг чо`л раёнсида жойлашган энг иссиқ ҳудудлар қаторига киради ҳамда ҳаво намлиги ниҳоятда паст. Январ` ойларида ҳавонинг мутлақ намлиги Қо`нг`ирот ва Чимбойда 3,1 миллибарга, То`ртко`лда эса 3,3 миллибарга тенг. Ко`п йиллик ма`лумотларга қараганда ёг`ин сочиннинг йиллик миқдори о`ртача 80-100 мм.дан ошмайди, йиллик ёг`инсочиннинг асосий қисми қиш, баҳор ойларига то`г`ри келади.

Ёз ойлари ҳисобланган июн`, июл`, августда йиллик ёг`ин-сочиннинг 8-13%и гина бо`лади. Масалан, бу ко`рсаткич Шабанқозг`онда 10%, Қо`нг`иротда 15%, Чимбойда 11%, То`ртко`лда 7% дан ошмайди. Ёг`ингарчилиги ко`п ҳисобланган Устюртда "Қарақалпакия" ва "Жаслик" метеостантсияларининг

маълумотларига қараганда ёзги ёг`ин-сочин унинг йиллик миқдорининг 22-23% ни ташкил қилади. Шундай қилиб, хулоса қилиб айтиш керакки, Қорақалпоғ`истон ҳудудида табиий намланиш жараёни жуда оз, бу сун`ий суг`ориш орқали экинларнинг намликка талабини қондириш ва термик ресурслардан то`лиқ ва оқилона фойдаланиш зарурлигини ко`рсатади. Сабаби, йиллик иссиқ кунларнинг сони, ҳаво ҳарорати ва намлиги, фойдали ҳароратлар йиг`индиси, ёг`ин-сочин миқдори, шамол кучи ва ё`налиши ва бошқа табиий омиллар маданий о`симликларнинг о`сиши, ривожланиши учун, шунингдек, қишлоқ хо`жалиги ишларини о`з вақтида сифатли олиб бориш учун аҳамиятли.

II. Қорақалпоғистон Республикаси хўжалиги

2.1 Қорақалпоғистон Республикаси санаоти

Энергетика саноати. Оғир саноатнинг бу тармоғи Қорақалпоғистонда иккинчи жаҳон урушидан кейингина пайдо бўлди ва республиканинг халқ хўжалигини индустриялаштиришда оўзига хос орин эгалламоқда. Яқин йилларгача электр энергетика саноати ёқилғи базасининг ёқлиги сабабли кичик ва катта электр станцияларидан иборат эди. Масалан, 1961 йилларда 411 та электр станцияси ҳаммаси бўлиб, 147,7 млн квт соат электр энергиясини берди.

Қурилиш материаллари саноати. Қорақалпоғистонда энергетика саноатини ривожлантириш ва шу асосда хом ашё ресурсларидан кенгроқ фойдаланишга имконият тайёрлаш, республикада қурилиш материаллари саноатини ривожлантиришга кенг ёл очди. Қурилиш материаллари саноатининг осиш тезлиги кейинги вақтда саноатнинг бошқа тармоқларига қараганда юқори бўлди. Шунга қарамасдан қурилиш материалларини ишлаб чиқарадиган корхоналарда ҳанузгача фойдаланилмаётган кўп резервлар учрайди. Бу имкониятларни амалга ошириш қурилиш материалларини ишлаб чиқарадиган ҳозирги корхоналарнинг қувватидан ва қурилиш материалларининг барча турларидан толиқ фойдаланишни талаб қилади. Масалан, силикат блоклари ва темир-бетон плиталари гиштга қараганда фойдали ва арзон эканлиги маълум. Бироқ, гишт қурилиш материаллари ичида 1-оринни эгалламоқда ва Қорақалпоғистон шароитида, аynиқса, қишлоқ қурилишлари учун асосий қурилиш материалларидан бири бўлмоқда.

Энгил саноат. Қорақалпоғистонда энгил саноат тармоғи саноат мажмуасининг энг ривожланган тармоқларидан саналади. Бу тармоқ республиканинг саноат мажмуаси бўйича этиштириладиган йиллик маҳсулотнинг 33-35% ини ва ишчи хизматчиларнинг 33,5% ини жамлайди. Кейинги йилларда энгил саноат тармоқлари янги технологик ускуналар

билан қайта та`мирланди ва бу тармоқнинг географик жойлашувига ҳам катта о`згаришлар киритилди.

Пахта тозалаш саноати. Қарақалпоғистонда 1960 йиллардан бошлаб пахта тозалаш саноати ривожлана бошлади. Бо`нга Қо`нг`ирот-Чоржов, Нукус-Учкудук-Тошкент ё`налишидаги темир ё`л линиясининг ишга тушиши катта имкониятлар очди. О`рта Осиё ва жаҳоннинг бошқа давлатларидан пахта тозалаш саноати учун машиналар жиҳозлари олиб келинишига ё`л очилди. Бу пахта тозалаш саноатини та`мирлаш учун техник база тузди. Ҳозир Қарақалпоғ`истонда 9 та пахта

тозалаш заводи ва 44 та пахта тайёрлаш пункти бор. Пахта тозалаш корхоналарида 49 та курутувчи-тозаловчи тсехлар бор.

**То`қимачилик саноати.** Қарақалпоғ`истонда то`қимачилик саноати энг янги тармоқлар қаторига киради. Дастлаб республикада Хо`жайли, Манг`ит, Беруний шаҳарларида ип йиг`ирадиган то`қимачилик корхоналари ва То`ртко`лда ип-газлама то`қийдиган ишлаб чиқариш бирлашмаси иш бошлаган бо`лса, 1993 йилнинг май ойидан бошлаб Туркиянинг "Язекс" фирмаси ёрдамида "Катекс" номли то`қимачилик маҳсулотларини ишлаб чиқарувчи корхона ишга тушди. Бу корхона 1993 йилнинг 8 ойи давомида 801 минг донадан иборат умумий баҳоси 2 млн 448 минг со`млик то`қимачилик маҳсулотларини ишлаб чиқарди. 1995 йилга келиб эса Нукус то`қимачилик акционерлик жамияти 54 млн 624 минг со`млик маҳсулот тайёрлаш имкониятига эришди.

2.2 Қарақалпоғистон Республикаси қишлоқ хўжалиги

Қарақалпоғ`истон республикаси ҳудудида қишлоқ хўжалиги халқ хўжалигининг энг йирик тармоқларидан ҳисобланади ва аҳолини кундалик эҳтиёж маҳсулотлари ҳамда саноатнинг айрим тармоқларини зарур маҳсулот билан та`минлашда катта рол` о`йнайди. Қишлоқ хўжалиги тармоқларини ривожлантириш хўжалик муаммолари ичидаги асосий вазифалардан

ҳисобланади ва ҳозирги кунда ҳукумат органларининг диққат марказидаги бош масалалар қаторига киради. Ҳақиқатдан ҳам Қорақалпоғистоннинг табиий-иқтисодий шароитида қишлоқ хоҳалиги ишлаб чиқаришнинг энг асосий тармоқларидан ҳисобланади ва бу тармоқнинг ривожланиш даражасини саноат релсига яқинлатиш тириш амали эҳтиёжлар ишга оширилди.

Айниқса, 80-йилларнинг иккинчи ярмидан бошлаб, халик ҳужалигини, жумладан қишлоқ хоҳалигининг моддий-техника базасини уюштириш учун ажратилган йирик маблағларнинг ҳажми 1,9 млрд. сом, 1986-1990 йилларда 2,5 млрд сом, 2000-йили 33,9 млрд сум бўлган бўлса, бу кўрсаткич 2000 йили 33,9 млрд. сомга ко'пайди. Ана шу сарфланган маблағларнинг 33% и ишлаб чиқариш объектларни қуриш, қишлоқ хоҳалик машиналарини сотиб олиш, транспорт тармоқларини яхшилаш ва бошқалар учун фойдаланилди. Бу ширкат ва фермер хоҳаликларининг машина, трактор базасини кенгайтиришга ва яхшилашга ёл очди. Кейинги йилларда республикамизнинг қишлоқ хоҳалиги юқори савияли ҳамда кучли тракторлар С-100 , К-700, К-701 “Кейс” “Класс” ва бошқа юқори сифатли пахта териш машиналари билан таминланди.

Дехқончилик - Ҳозир Қорақалпоғистон О'збекистондаги энг йирик деҳқончиликка ихтисослаштирилган минтақалардан ҳисобланади ва бу эрда 1,3 млн га яқин обикор деҳқончилик учун фойдаланишга яроқли экин майдонлари мавжуд. Статистик маълумотларга назар солсак, республика ҳудудида сув билан таминланган экин майдонлар 456,8 минг гектарни ташкил қилади. Шу жумладан, ҳозир деҳқончиликда фойдаланилаётган экин майдони 405,8 минг га баробар.

Республика бо'йича суг'ориб экиладиган экин майдони таркибида техник экинлар 36,6% ташкил этади. Масалан, 1965 йилларда қишлоқ хоҳалигида фойдаланадиган эрлар 176,5 мингга бўлса, 2000 йилга келиб эса 405,8 минг гектарга ко'пайди. Шу йиллар ичида галла майдони 2,6 ҳиссага, пахта майдони 2,4 ҳиссага, беда учун ажратилган экин майдони 52,4 минг

гектарга этди, буни 1940 йилга солиштирганда 11,6 минг гектарга ко`п деган со`з. Ко`рсатилган йиллар ичида, айниқса, донли экинлар майдони ко`паймоқда. Агар 1940 йилларда республика бо`йича г`алла учун ажратилган майдон 47,8 минг га бо`лса, бу ко`рсаткич 1945 йили эса 126,2 минг гектарга ко`пайган. Масалан, 2000 йилларда республикада г`алла учун ажратилган экин майдони 133,2 минг гектар бо`лса, шундан шолчилик майдони 61,2 минг гектарни ташкил қилди. Деҳқончилик тармоқлари ичида пахтачилик катта аҳамиятга эга. Бу тармоқ аввалгидек давлат даромадини пул билан та`минлаб қишлоқ хо`жалигининг аҳамиятини сақлаб қолмоқда. Шу сабабли экин майдонидан йилига 36,6 %- 37,6 % и пахта учун ажратилди.

Пахтачилик. Республикада қишлоқ хо`жалигини келажакда ривожлантириш учун табиий-иқтисодий раёнларнинг шароитига қараб, хо`жаликларда ихтисослаштириш ишларини ҳаётга тадбиқ қилиш режалаштирилмоқда. Қишлоқ хо`жалик ишлаб чиқаришида ихтисослаштириш масалалари ко`рилган фақат табиий-иқтисодий раёнларнинг ёки барча республикаларнинг таркибида эмас, у ҳар бир туманнинг ҳудудий шартини ҳисобга олиб, хо`жаликлар орасидаги ихтисослаштириш ишларини амалга ошириш назарда тутилиши керак. Пахтачилик республикамиз қишлоқ хо`жалигининг ривожланган тармоқларидан бири ҳисобланади.

Ҳозирги вақтда пахтачилик бутун экин майдонининг 43% ини эгаллайди. Республикамизда пахта майдонлари кейинги йилларда 134,5% га ва олинadиган ҳосилнинг миқдори ҳам деярли ко`пайди. Агарда, 1965 йилларда пахтадан олинган ҳосил 269 минг тонна бо`лса, 1995 йилга келиб, бу ко`рсаткич 288,2 минг тоннага этди. Бироқ ҳосилдорлик эса гектарига 21,4 тсентнердан 1965 йилга келиб фақат 22,1 тсентнерга ко`тарилди. Пахтачиликда ютуқга эришиш янгидан о`злаштирилаётган экин майдонларининг ко`плиги боис амалга оширилди. Кейинги 15 йил ичида республикадаги экин майдонлари кенгайтирилди. Республика қишлоқ хо`жалигини келажакда ривожлантириш учун олиб борилган ишларнинг

натижасида об-ҳавонинг ноқулайлигига қарамасдан пахтачиликни ривожлантириш юқори даражада олиб борилмоқда. Пахта ҳосилдорлигини ошириш мелиоратсия, кимёлаштириш ва механизатсиянинг ҳажмини кучайтиришида о`зининг аҳамиятини ко`рсатмоқда. Бироқ, бу ко`рсаткичнинг та`сири пахтачиликда унчалик сезилмаяпти.

Натижада қишлоқ хо`жалигида пахта ҳосилининг миқдори кейинги 15 йилда фақат экин майдонларини кенгайтириш ҳисобига ошмоқда. Ко`рсатилган ма`лумотларга қараганда 1980 ва 2000 йиллар ичида ҳар гектар эрдан олинадиган пахта ҳосилдорлиги 41,9% га камайди, экин майдони эса 9% га ортди, шу қаторда республика бо`йича 1980 йилга солиштирганда пахта тайёрлашнинг миқдори 46% га камайди, ёки 1980 йиллардаги маҳсулотнинг миқдorigа қараганда 233 минг тонна пахта кам этиштирилди. Шунинг оқибатида деҳқон-фермер ва ширкат хо`жаликлари мо`л ҳосил этиштирмоқда. Масалан, Беруний туманининг "Навоий", То`ртко`лнинг "Намуна" хо`жаликлари ва Амударёнинг "Й. Уразбаев" номидаги жамоа хо`жалигида пахтадан олинган ҳосил бо`йича юқори ко`рсаткичларга эришди. Республиканинг жанубий зонасидаги бир қанча хо`жаликларда, шунингдек, шимолий зонада жойлашган айрим бригадалар ҳосилдорликни оширишда катта ютуқларга эришди. Уларнинг ҳар бири 1 га дан олинадиган пахтани 27-34 тс ва ундан ҳам ко`проқ этиштирди.

1980-2000 йиллар оралиг`ида республика туманлари ва табиий-иқтисодий оналари бо`йича пахта экишнинг географик жойлашувида катта тадбирлар ишлаб чиқилди. Бу республикада, айниқса, жанубий минтақаларда пахта ҳосилининг ортишига имкон яратди. Қишлоқ хо`жалиги ишлаб чиқаришига ажратиладиган йирик ҳаражатларнинг миқдори орттирилди. Масалан, 1980-1985 йиллар ичида республиканинг қишлоқ хо`жалиги тармоқларида ишлаётган асосий ишлаб чиқариш фондларининг қиймати 1976-1980 йилларнинг миқдorigа таққослаганда 50,9% га ко`пайди. 1990 йилга келиб эса бу ко`рсаткич 1 млрд со`мни ташкил қилса, 1991 йили эса 1,2 млрд со`мга ко`пайди. Қишлоқ хо`жалиги соҳаларининг асосий ишлаб

чиқариш фондлари билан жиҳозлаш даражаси яхшиланмоқда. Юқори сифатли техникалар, минерал оғитлар ва бошқа моддий-техник ресурслари йил сайин ко'паймоқда. Бу ва бошқада қишлоқ хо'жалигининг самарадорлигини оширишга қаратилган тадбирлар туманлар ва минтақалар бо'йича пахтачиликни ривожлантиришга имкон берди. Қорақалпоғ'истоннинг қишлоқ хо'жалиги ҳозирги замон техникалари билан қайта жиҳозланди. Уларнинг умумий энергетик қуввати 1493434 от кучига этказилди. Амударёнинг қуйи қирғоқларида янги эрлар о'злаштирилган ва янгидан пахтачилик, шоликорлик хо'жаликларининг ташкил қилиниши билан тракторларнинг, комбайнларнинг, пахта териш машиналари ва бошқа қишлоқ хо'жалиги техникаларининг сони ко'пайтирилди. Масалан, 1980 йили қишлоқ хо'жалигидаги тракторларнинг сони 13,2 минг дона бо'лса, бу ко'рсаткич 1990 йили 15,6 минг донага, пахта териш машиналари эса кейинги 10 йил ичида 5119 га этди. Сув хо'жалиги қурилиши борасида ҳам йирик миқдорда ишлар амалга оширилмоқда. Янги магистралли каналлар ва коллекторлар, гидротехник иншоотлар қурилмоқда ва уларнинг ишлаб турганлари қайта та'мирланмоқда, буларнинг барчаси экин эрларининг мелиоратив ҳолатини яхшилаб суг'ориладиган эрларни сув билан та'минлаш даражасининг ортишига ёрдам беради. Шу туфайли республиканинг жамоа ва хусусий деҳқон хо'жаликлари шароитга мослашган пахта навларини экишга тайёрланмоқда.

Жанубий раён бо'йича табиий-иқтисодий шароитга мослашган «149-ф» пахта нави туманлаштирилиб, пахтадан олинадиган ҳосилдорликни ко'пайтиришига имконият беради. Буларни амалга ошириш иқтисодий томондан катта натижа беришини Қорақалпоғ'истоннинг деҳқон-фермер хо'жаликлари ва ихтисослаштирилган туманларнинг айрим ютуқлари то'лиқ исботлайди. Хулоса қилиб айтганда, республика ҳудудида ҳозирги кунда этиштирилаётган пахтанинг 82,5 % и ихтисослаштирилган пахтачилик хо'жаликларида этиштирилади. Лекин, пахта этиш-тиришдаги хато фикир ва мулоҳазаларга нисбатан пахтачилик республика бо'йича катта натижалар бермаяпти. Пахтанинг ҳосилдорлиги

паст, шу туфайли маҳаллий, об-ҳавога мослашган сифатли, пахтанинг тезпишар "С-4727", "Ч-3104" ва "Ч-3010" навларини кенг миқдорда тарқатиш зарур. Бу пахтачиликни ривожлантиришга ва ишлаб чиқариш жараёнида унумдорликнинг кўтарилишига сабаб бўлади.

Шоликорлик. Қорақалпоғистон Республикасида шоликорлик эски тармоқларидан бири бўлсада, кўп йиллар давомида шоликорлик пахтачилик хожаликларининг қўшимча тармоғи бўлиб, у паст даражада ривожланди. Оқибатда ҳар гектар эрдан олинadиган маҳсулотнинг миқдори 10 тсентнердан ортмади. 60-йилларга келиб, Қорақалпоғистон энг йирик шоликорлик раёнига айланди. Ўзбекистонда етиштириладиган йиллик шоли ҳосилининг 72% ини берадиган бўлди. 1955-2000 йиллар ичида шоли майдони 13,6 минг гектардан 26,2 минг гектарга, яъни 193 % га купайди. Умумий маҳсулот 27,0 минг тоннадан 43,9 минг тонна, яъни 162,6%га ҳисса ошди. Ҳосилдорлик эса гектарига 19,6 тс/га яъни 102,8% ни ташкил қилди. Лекин Қорақалпоғистон Ўзбекистондаги энг йирик шоликорлик раёни бўлиб шаклланса ҳам, айрим кўрсаткичлар бўйича йил сайин пасаймоқда. Сабаби қўшни Хоразм вилояти ҳам шоликорлик билан шугʻулланади. Улар юқори сифатли тармоқга эга. Вилоят ҳудудида 1966-94 йиллар ичида шоли майдони 5,7 минг га дан 28 млн га яъни 5,7 ҳиссага, умумий ҳосил 16,2 минг тоннадан 187 минг тоннага яъни 11,6 ҳиссага, ҳосилдорлик гектарига 28,4 тс дан 35,2 тс га кўпайди. Доим бир хил табиат шароитга ва эрсув ресурсларига эга бўлсада, бу вилоят шолининг оʻртача ҳосилдорлиги бўйича Ўзбекистонда юқори оʻринда туради 1966 йили Қорақалпоғистонда "Қорақалпоқсовхозстрой" бошқармаси тузилди. У барча шоликор хожаликларнинг ишлаб чиқариш ва маданий маиший бинолар қуришида, сугʻориш тармоқларини инженерлик усулда тузиш ва қайта текшириш, янги эрларни оʻзлаштириш, кадрлар тайёрлаш ва шоли етиштирувчи хожаликларни моддий-техникавий томондан таʼминлайди. Шунинг натижасида шоликорлик хожаликларида етиштирилган ҳосилнинг миқдори 1985 йиллари 70 млн соʻми ташкил қилди. 100 га экин майдонига тоʻғʻри

келадиган асосий ишлаб чиқариш фондларининг фойдаси 1970 йиллари билан солиштирганда 1,7 ҳисса, 1966 йил билан солиштирганда эса 6,3 ҳисса ортди.

**Сабзавот ва бог`дорчилик.** Қорақалпоғ`истонда суг`ориладиган эрларнинг кам қисмини сабзавот ва полиз экинлари, картошка ва ко`п йиллик мевали дарахтлар эгаллайди. Улар асосан ички талабларга мувофиқ ривожланмоқда. Хоразм воҳаси, шундан Қорақалпоғ`истон Республикаси белгили даражада гурвак, гулоби, ширин печанник ва бошқа қовун навларининг ватанидир. Тарнак энг тезпишар навлар қаторига кириб, у экилгандан со`нг 30-35 кунда о`з маҳсулини беради. Ҳандалак ҳам тезпишар навлардан ҳисобланади ва шакирпорага ухшаб 40-45 кунда пишади. Қорақалпоғ`истонда қовуннинг кечпишар навларидан бирибишяк бо`либ, у кузнинг о`рталаригача боради ва қишда сақлашга қулайдир. Айрим қовун навларининг салмоғ`и 1 кунгача кетади. Қорақалпоғ`истоннинг иқлим шароити кург`оқчиликка мослашган. Тупроғ`и унумдор Амударё текисликларидан иборат. Бу полиз экинларини этиштиришга ёрдам беради. Шу ко`рсатилган мажмуаларнинг бирортаси этишмай қолса, қовун навларини этиштириб бо`лмайди. Шу туфайли Амударё дел`тасидан бошқа туманларда қовун куп этиштирилмайди. О`тган асрларда мазали Қорақалпоғ`истонда бог`дорчилик ва узумчиликни ривожлантириш учун катта имкониятлар бор. Марказий бог`дорчилик ва узумчилик илмий текшириш институтининг ма`лумотларига қараганда, Масалан, 1990 йили сабзавотнинг экин майдони 1913 йил билан солиштирганда 1,9 ҳисса, полиз экинлари майдони 9,2 ҳисса, картошка майдони 10 ҳиссага ко`пайди. Шу йиллар ичида бог`дорчилик ва узумчиликда ҳам майдонлар кенгайтирилди. Аввалги йилларда моддий аҳамиятга эга полиз ва узумчилик хо`жаликлари, Хо`жайли, Қо`нг`ирот, Бейнов темир ё`лига яқин эрларда ва Амударёнинг қуйи қисмида дарё бо`йидаги аллювиал текисликлардан тузилган чо`л эрларда ташкил қилинди. 1965-2000 йилларда узумчиликдан бошқа экинларнинг майдонлари деярли о`сди. Натижада сабзавот этиштиришнинг

умумий миқдори 6,7 хиссага, картошка маҳсулотлари 1,2 хиссага ко`пайтирилди. Лекин республика бо`йича мева ва узум этиштириш пасайиб кетди. Ҳозирги вақтда республикада 7 та ихтисослашган хо`жаликлар ишламоқда. Шундан 4 та бог`дорчилик ва узумчилик, мева, сут тайёрлашга ихтисослашган хо`жаликлар бо`либ, булар шаҳар ва туман марказлари атрофида жойлашган. Бу хо`жаликлар 1976 йилдан бошлаб янгидан ташкил қилиниб, ко`шимча ички тармоқлараро маҳсулот тайёрлаш жараёнида ихтисослаштирилган. Шу боис ишлаб чиқариш орқали ва агросаноат усулида янги хо`жаликларини тузиш катта аҳамиятга эга.

Чорвачилик. Қорақалпоғ`истонда чорвачилик ривожланган тармоқларига ко`йчилик, йирик қорамол, чо`чқачилик, туя ва йилқи этиштириш, паррандачилик ва пиллачилик тармоқлари киради. Буларнинг улушига 2005 йилги ма`лумот бо`йича қишлоқ хо`жалик тармоқларида этиштирилган маҳсулотнинг 40,2 % то`ғ`ри келади. Қорақалпоғ`истон бо`йича чорва молларининг бош сони умуман олганда анча о`сди. Масалан, 1981-2005 йилларда барча хо`жаликлар бо`йича йирик қорамолларнинг бош сони 146,8 % га, шундан сигирларнинг бош сони 150,4% га ортди. Чорвачилик тармоқларини равожлантириш чорвачилик маҳсулотларини ко`пайтиришга ёл очди. Масалан, 1981 йил билан солиштирилганда 2005 йилга келиб республикада го`шт этиштириш (со`йилган ҳолда) 110,0 %, сут 102,4 %, қорамол териларини тайёрлаш 103,0 % ни ташкил қилди. Кейинги йиллар ичида чорвачиликни ривожлантириш бо`йича катта ишлар амалга оширилди. Молларнинг эм-ҳашак базаси мустаҳкамланди ва кенгайтирилди. Чорвачиликни ихтисослаштириш натижасида собиқ хо`жаликлараро бирлашмаларининг, ассотсиацияларининг ва давлат хо`жаликларининг кучи билан эм-ҳашак тайёрлаш, фермаларни механизатсиялаштириш, чорвачилик мажмуаларини қуриш, ишлаб чиқариш жараёнини автоматлаштириш ва механизатсиялаштириш, маҳсулот тайёрлашни ко`пайтириш бо`йича йирик ишлар амалга оширилди. Аксинча, кейинги йилларда, айниқса, 1996-2000 йиллар оралиғ`ида қишнинг жуда совуқ келиши, айниқса, чорвачилик

тармоқларида чорвани қишлатиш ишларига тайёргарликнинг паст даражада бўлиши сабабли моллар сонига салбий таъсир этади. Қорақалпоғистонда дастлабки қорақол терисини этиштириш ХВЙИ асрга тоғри келади. 1673 йили Хива элчиси Москвага 300 та қорақол терисини совға учун олиб бориб, қорақолчиликнинг аҳамиятини қолчилик давлатларга танитади.

Кейинги йиллар ичида Қорақалпоғистонда қорақол қойларининг сони 487 минг бошга қопайди. қорақолчиликни ривожлантириш учун республика қолгина табиий яйловларга эга. Қорақалпоғистон Республикаси катта қол яйловларига эга Фақат Жанубий Қизилқум қолида 3.2 млн га яйлов ерлар бўлиб, бу раёнда қойларнинг бош сонини 1 млн бошга қопайтириш имкони бор. Агар Қизилқум яйловлари ихтисослашган хожаликлар тузилгангача қол сонли жамоа хожаликлар томонидан фойдаланса, ҳозир Жанубий Қизилқумда ихтисослашган қорақолчилик хожаликлари ташкил этилди. Масалан, Қизилқум раёнида қазилган скважиналар секундига 2 куб/м сув топлаб, йилига 1,8-2 минг гектар экин ерни сугоришга имконият беради. Келажакда Қорақалпоғистон шароитида қолчиликнинг асосини қорақол қойлари боқиб эгаллайди. Уштурт бўйича Пётр И давридаёқ Александр Бекович Черкасский экспедитсияси бой маълумотлар толаган.

Қорамол чорвачилиги. Қорақалпоғистондаги барча хожаликларда қорамолларнинг сони 2005 йил 1 январдаги маълумот бўйича 435,5 минг бошни ташкил қилса, гошт этиштиришнинг йиллик ҳажми, сойилган ҳолда 40,5 минг тонна, сут этиштириш 130,4 минг тоннани ташкил қилади. Фақат сугориладиган раёнлардан ҳар йили 100-120 минг тонна беда ёки республикада йигиб олинадиган катта эм-хашакнинг ярми тайёрланади. Бундан ташқари Амударё делтасидаги табиий яйловлардан ҳар йили 300 млн. тоннача ем-хашак тайёрланади. Амударё делтаси толиғи билан гошт ёналишидаги қорамол чорвачилигига ихтисослашган. Ёз ойларида бу эрда республикадаги барча йирик қорамолларнинг 273 қисми жойлашади. 2000 йилги маълумот бўйича ем-хашак экинлари барча экин майдонининг 39,4%

ини эгалайди, я`ни 105,6 минг га. Эрга экилади. ем-хашак экинлари ичида етакчи о`ринни беда ва маккажохори эгаллайди. Қорақалпоғ`истонда ҳозирги вақтда барча хо`жаликлар бо`йича 3,1 минг бош чо`чқа, 835,3 минг бош парранда, 5 минг бош туя, 15,7 минг бош йилқи боқилади. Йилига мамлакатга топшириладиган пилланинг ҳажми 548-560 тоннани ташкил қилади. Масалан, 2000 йилни 1976 йиллар билан солиштирганда йирик қорамоллар сони 12,9 фоиз, шундан сигирларнинг сони 150 фоизга ко`пайди.

**Қо`йчилик.** Қорақалпоғ`истон Республикаси кенг миқдорда табиий яйловлар ва о`тлоқларга эга. Унинг умумий ҳажми 10 млн гектарни ташкил қилиб, асосан уч табиий раёндан иборат. 1)Қизилқум. 2) Устюрт. 3) Амударё дел`таси. Қизилқум табиий раёни яйловлари 2.3 млн. Гектарни ташкил қилиб, ем-хашак нинг йиллик захираси 6-7 млн. сентнерни ташкил қилади. Бу йилига 700-800 минг бош қорако`л қо`йларини сақлашга ва ко`пайтиришга имконият яратиб беради.

2000 йилги ҳисоб бо`йича қо`шимча яйловлар 2,6 млн. гектарга ко`пайтирилиб бу ҳамма яйловларнинг 6 фоизини ташкил қилади. Шу боис,450 артезиан. ва 173 та шахта типидagi қудуқлар қазилиб фойдаланишга топширилди. Аниқлаган ма`лумотларга қараганда унинг умумий майдони 250 минг гектарни ташкил қилади. Қорако`лчиликка ихтисослаштирилган хо`жаликларнинг иқтисодий ко`рсаткичлари натижасида бу табиий раённинг ем-хашак ресурсларидан то`г`ри фойдаланиш катта аҳамиятга эга эканлигини айтиб О`тиш керак. Шу туфайли бу соҳани жадал ривожлантириш Қорақалпоғистон шароитида пахтачилик билан бир қаторда чорвачилик ва қорако`лчиликда катта ютуқларга эришиши мумкин. Устюрт табиий раёнининг о`тлоқлари шу пайтгача чорвачилик учун то`ла о`злаштирилгани ё`қ. Бу табиий раён 7 млн гектардан ортиқ майдонни эгаллайди.

Устюртнинг Қорақалпоғ`истонга тегишли қисмининг эм-хашак захираси 1,1 млн тонна бо`либ, бу 1,2 млн бош қо`й ва 100 минг бош туяни боқишга имконият яратади. Қорако`л қо`йларининг сони республика миқёсида деярли камайиб кетди. Шу туфайли олдинги режа асосида

қо`йларнинг сонини 790 минг бошга қо`пайтириш, го`шт маҳсулотларининг миқдорини 75000 тоннага, жунни эса 1100 тоннага этказиш имконини ишлаб чиқиш керак. Шунга мувофиқ келажакда го`шт учун боқиладиган қо`йчиликни ривожлантириш энг аҳамиятли тадбирлар сифатида белгиланаяпти. 1996-2005 йилларда Қизилқумда 200 минг га., Устюртда 2,3 минг га. қо`шимча яйловлар о`злаштириш назарда тутилмоқда. Бундан ташқари ҳозирги о`злаштирилган яйловларнинг эм-ҳашак ресурсларини 35-40% га қо`пайтириш масалалари қо`йилмоқда. Бунинг натижасида Қорақалпоғ`истонда яқин келажакда қо`йларнинг сони 659-700 мингга, 2005 йилда эса 1,3-1,5 ҳиссага қо`пайиши мумкин. Бу имкониятлар кейинги йилларда сезиларли даражада ишга оширила бошлади. Лекин, Орол денгизи сувининг ҳаддан зиёд пасайиши (19-22 м) бог`лиқ Амударё қирг`ог`и ва Орол денгизи бо`йи яйловларининг қо`пгина эм-ҳашак о`симликлари заҳарланиб молларда юқимли касалликларни қо`пайтирмоқда. Ҳозир фақат одамлар эмас, қо`й-ечкилар, қорамоллар ҳам жигар касаллигига учрамоқда. Фақат 2000 йилнинг 1 январидаги ма`лумот бо`йича о`тган 1996 йилга таққослаганда қорамолларнинг сони 5,8 минг, чо`чқа 2,8 минг, қо`й ва эчкилар 64,3 минг бошга камайди. Ко`рсатилган вақт ичида йилқи ва туяларнинг бош сони ҳам камайди.. Ҳозир Республикада йил сайин этиштирилаётган қорақо`л терисини 97,5-98,5%, го`штнинг 45-50% га яқини Бо`затов ва Мо`йноқ туманининг мол боқадиган хо`жаликларида, қо`йларнинг эса 95-96% и қо`йчиликка ихтисослашган хо`жаликларида, чо`чқаларнинг 95%и чо`чқачилик хо`жаликларида боқилади.

Хулоса ва тавсиялар

Асосий иқтисодий кўрсаткичлар.

Республикада ялпи ҳудудий маҳсулот ҳажми 2993,6 млрд.сўм, ёки 111,5 фоизни ташкил этиб, белгиланган прогноз (2754,0 млрд.сўм, 108,2%) дан

3,3 бандга кўп бўлди (2012 йилда 2406,3 млрд.сўм, 112,7%). Аҳоли жон бошига ялпи ҳудудий маҳсулот ҳажми 1736,4 минг сўмни, ёки ўсиш суръати 110,1 фоизни ташкил этмоқда. Бу ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 322,9 минг сўмга кўп демакдир. Иқтисодий ўсишга қуйидаги асосий соҳаларда белгиланган прогноз кўрсаткичларнинг таъминланганлиги муҳим омил бўлди. Саноат моллари ишлаб чиқариш ҳажми 1005,6 млрд.сўм, ёки 111,5 фоизни ташкил этиб, белгиланган прогнозга (966,9 млрд.сўм, 109,3%) нисбатан 2,2 бандга кўп бўлди (2012 йилда 832,4 млрд.сўм, 104,4%);

Халқ истеъмоли моллари ишлаб чиқариш ҳажми 344,9 млрд.сўм, ёки 113,0 фоизни ташкил этиб, белгиланган прогнозга (314,1 млрд.сўм, 110,0%) нисбатан 3,0 бандга кўп бўлди (2012 йилда 305,3 млрд.сўм, 110,7%); Қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ҳажми 930,0 млрд.сўмни, ёки 107,1 фоизни ташкил этиб, белгиланган прогнозга (919,5 млрд.сўм, 105,9%) нисбатан 1,2 бандга ортиғи билан бажарилди (2012 йилда 737,7 млрд.сўм, 113,2%); Чакана савдо айланмаси ҳажми 1696,6 млрд.сўм, ёки 127,6 фоизни ташкил этиб, белгиланган прогнозга (1600,0 млрд.сўм, 113,0%) нисбатан 14,6 бандга ортиғи билан бажарилди (2012 йилда 1155,1 млрд. сўм, 112,7%); Шунингдек, кўрсатилган хизматлар ҳажми 2026,2 млрд. сўм, ёки ўсиш суръати 115,8 фоизни ташкил этиб, белгиланган прогноз (1955,4 млрд. сўм, 115,8%;) тўлиғи билан бажарилди (2012 йилда 1586,4 млрд.сўм, 106,7%) Ялпи ҳудудий маҳсулот ҳажмидаги кичик бизнеснинг улуши 64,0 фоизни (2012 йилда 63,6%), хизматларнинг улуши эса 50,0 фоизни ташкил этиб, 2012 йилга нисбатан мос равишда 0,4 бандларга ўсишига эришилди.

Қўнғирот сода заводида 2013 йилда 54,8 млрд.сўмлик 96,0 минг тонна калтсийланган сода ишлаб чиқарилган. Шундан 55,0 млрд.сўмлик 93,3 минг тонна маҳсулот сотилган ва 3,8 млн. долларлик 12,7 тонна маҳсулот экспорт қилинган. 2013-йил кунида Қорақалпоғистон Республикаси маҳаллий бюджетининг даромадлар қисми режаси 422,8 млрд. сўмга белгиланган бўлиб, амалда 435,8 млрд. сўмни ташкил этган ҳамда режа 103,0 фоизга бажарилган. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2012 йил 30 декабрдаги ПҚ-1887-сонли қарори (Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгашининг 2012 йил 30 декабрдаги 341-сонли қарори) асосида январ-декабр ойларида белгиланган солиқ ва йиғимлар тушуми, режадаги 447,3 млрд. сўм ўрнига, ҳақиқатда 453,4 млрд.сўмни ташкил этиб, 101,3 фоизга бажарилган.

Хулоса қилиб айтганда, келажакда Қорақалпоғистоннинг халқ хўжалиги тармоқларини ривожлантиришда прогрессив тенденцияларнинг амалга ошганини англаш мумкин. Аҳолининг озиқ-овқат маҳсулотлари билан ва янгидан ишга тушадиган саноат тармоқларини хом ашё ресурслари билан таъминлаш мақсадида қишлоқ хўжалиги тармоқларини кенг ривожлантиришга эътибор берилади. Бу ва бошқа тадбирлар охир-оқибат Қорақалпоғистонни юқори ривожланган саноатли ҳудудга айланишига ва унинг раёнлараро меҳнатнинг географик тақсимоотида тутган ўрнининг юксалишига замин яратади. Қорақалпоғистон Республикасида 2013 йил якунида кичик бизнесни ривожлантириш ҳисобидан 37923 та янги иш ўринларини яратиш режалаштирилган бўлиб, амалда 38069 та янги иш ўринлари яратилган ва режа 100,6 фоизга бажарилган.

Ушбу асосда қуйидаги тавсияларни берамиз.

- 1.Қорақалпоғистон республика ёқилғи — энергетика саноатини ривожлантириш керак.
2. Оролбўйи ҳудудларидаги экологик ҳолатни яхшилаш .

3. Қишлоқ хўжалигига эътиборни қаратиш ва ривожлантириш .

4. Истиқболли конларни ишга тушириш.

Фойдаланилган адабиётлар .

1. Каримов И.А. “Ўзбекистон ХХИ аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари”. Тошкент, “Ўзбекистон”, 1997 й.
2. Каримов И.А. “Қишлоқ хўжалик тараққиёти тўкин ҳаёт манбаи”. Тошкент, “Ўзбекистон”, 1998 й.
3. Ўзбекистон Республикаси Миллий энциклопедияси. Тошкент. Қомуслар бош таҳририяти. 1997 й.
4. Баратов П. “Ўзбекистон табиий географияси”. Тошкент “Ўқитувчи”, 1996 й.
5. Асамов Г., Набихонов М., Сафаров И. “Ўзбекистон иқтисодий ва ижтимоий географияси”. Тошкент. “Ўқитувчи”, 1994 й.
6. Баратов П., Маматқулов М., Рафиқов А. “Ўрта Осиё табиий географияси”. Тошкент. “Ўқитувчи”, 2002 й.
7. Низомов А. “Чучук сув манбалари”. Тошкент, «Фан ». 1998 й.
8. Мавлонов Ғ.О., Маматқулов М.М. “Ўрта Осиё тоғларининг қадимги музликлари”. Тошкент, «Фан ». 1977 й.
9. Т.В.Власова "Материклар табиий географияси" 1-том, Т.1982.2-том, Т.1982.
10. Турсунов Х. Экология асослари ва табиатни муҳофаза қилиш. Т. 1997.
11. Ғуломов П.Н. Инсон ва табиат. Т. 1990.
12. Чуб В.Е. «Изменение климата и его влияние на природно- ресурсные потенциал Республики Узбекистан». Ташкент, САНИГМИ, 2000

www.ziynet.uz

www.google.co.uz

www.uz.wikipedia.org

www.guldu.uz

